O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 1 март, № 43 (4196) Пайшанба

КУҲИЛЛАРДА ЯШИНАСИН БАҲОР!

Бир ҳафта ўн кун олдин ҳаво исиб, вужудимиз эндигина илиқлик тафтини туйганида, гупиллаб қор ёғиб берди. Буни кўриб, кўпчиликнинг кўнглидан: "Қишнинг бир куни қолса ҳам қиш-да!" деган фикр ўтган бўлса, не ажаб?! Аммо, бир нарса — февралнинг охирги кунларида ёққан бу қор фасли баҳорга бўлган соғинчимизни чандон кучайтириб юбормадимикан?!

Эзгулик элни уйғотади

Аслида, биз баҳорни зийнатли деб таърифланган қиш фаслининг ўрталариданоқ соғина бошлаймиз. Кўнгилнинг қат-қатида фасллар келинчагини ўртовчи ёқимли туйғу жимирлайди. Кўз ўнгимизда кўм-кўк майсага бурканган қир-адирлар гавдаланади. Яшилликка, илиқликка интиқ қалбларда, айниқса, азалий байрамимиз — Наврўз соғинчи қад кўтаради. Ва беихтиёр шу кунларга тезроқ, эсон-омон етишни Яратгандан сўраймиз. Зеро, Наврўз азалдан эл-улус орасида қутлуғ шодиёна тарзида нишонланиб, меҳр-оқибат айёми сифатида талқин этилган. Президентимизнинг "Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида"ги куни кеча эълон қилинган қарорида Наврўзнинг ижтимоий аҳамиятига урғу берилгани ҳам бежиз эмас.

Аждодлардан мерос бу айём истиқлол йилларида қадр топиб, янгича қиёфада муносиб давом эттирилмоқда. Наврўзнинг халқ сайли кўринишида ўтказилиши замирида жойларда фақат тантаналарни, базмларни уюштириш эмас, ҳар бир маҳалла, гузар, хонадонда ободончилик ишларини амалга оширишдек эзгу истак мужассам.

Наврўзолди уюштириладиган умумхалқ ҳашарида юрт узра ободончилик ишлари авж олади. Кўз олдингизга келтиринг: бир жойда ҳашар орқали ён-атроф гўзал қиёфа касб этса-ю, бошқа масканда ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлса. Саранжом-саришталикда катта ҳикмат бор, келинглар кўнглимизни, кўчамизни обод қилайлик, деб ташаббус кўрсатилмаса, эзгулик хусусида биров бош қотирмаса, қанақа ҳолат юзага келади? Бугун бир маҳаллага бориб, у ердаги ўзгаришларни, янгиланишларни кўриб, дилингиз завқланса-ю, бошқа бир маҳалладаги бесаришталикка кўзингиз тушганда албатта ранжийди, киши. Йўқ, бундай бошбошдоқлик, бепарволик ўзбекка ярашмайди. Шунинг учун ҳам қарорда умумхалқ байрами туфайли жамоатчиликни ободонлаштириш ишларига жалб этиш алоҳида қайд этилган.

Агар озгина мушоҳадага берилсак, ҳар бир кишининг ўзи яшаб турган ҳудудни озода-сариштa қилишга эътибор қаратилиши, шубҳасиз. Энг аввало, бу ўзимизга наф эканлигини англаймиз. Бировнинг дийдорига ошиқаётган меҳмон ўзи билган-билмаган ҳолда мезбоннинг йўлагига қараб, дидига, фаросатига баҳо беради. Хонадонга олиб борадиган йўлак чиннидек ярақлаб турса, меҳмон ҳам "балли" дейди.

Ҳар томонлама бир-бирига мос бўлган ўхшашликни кўрсак: "Узукка кўз қўйгандек ярашибди", деймиз. Наврўзни интиқлик билан кутиб, унинг кенг миқёсда нишонланишини ўйлаб, беихтиёр: "Биз шунга муносибмизми, йўқми?" деган сўроқ кўнглимиздан ўтади. Агар шундай савол тарқатилса, юртдошларимиз: "Ҳа, албатта, бундай байрамлар бизга ярашади!" деб жавоб бериши аниқ. Ушбу жавобни энди юқоридаги таърифга менгзайлик. Яъни халқимиз эришаётган ютуқларни "Узук" деб билсак, юртимизда нишонланадиган байрамлар "Кўз"дир. Уларни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шукрки, тантаналар ўтказишга лойиқ ютуқлар, муваффақиятлар бисёр. Изчил олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли бу ютуқлар янада бўй кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

27-28 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишни давом эттирдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида маъруза қилди.

Мазкур ҳужжатларнинг муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар Президент Ислом Каримов томонидан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларини қабул қилиш сиёсий партиялар самаралли фаолиятининг, Ўзбекистон кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари одимлашининг ҳуқуқий базасини анча кенгайтириш имконини беришини алоҳида таъкидладилар. Мазкур қонунларнинг қоидаларини рўёбга чиқариш демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришига, мамлакатни яқин ҳамда узоқ истиқболда ислоҳ этиш ва модернизация қилишга жиддий таъсир кўрсатади.

Қонунчилик палатаси депутатлар билдирган фикрларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонунларни қабул қилди, қонунлар маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида уни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва қўшимчалар киритдилар. Баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Ҳ.Назаров «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни янада яхшилаш, халқ фаровонлигини ошириш учун ушбу ҳужжатни қабул қилиш муҳим эканлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини батафсил кўриб чиқдилар. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонун қабул қилинди.

Депутатлар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Козлов томонидан тақдим этилган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ҳамда муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарорига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси У.Исмоилов тақдим этди. Муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сонли «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Н.Аҳмаджонов тақдим этди. Депутатлар муҳокама чоғида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

(ЎзА).

Шу кунларда Эрон Ислом Республикасининг Жанубий Хуросон ҳудуди тадбиркорларидан иборат делегацияси юртимизда меҳмон бўлиб турибди.

Хуросон тадбиркорлари Тошкентда

Республика Савдо-саноат палатаси Матбуот хизматининг маълум қилишича, делегация таркибидан енгил саноат, дори-дармон ва тиббиёт жиҳозлари, нейлон ва нейлокс, мотор мойи, гилам, турли қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи, шунингдек, чой ҳамда қуруқ мева савдоси билан шуғулланувчи 40 га яқин компания ва фирма вакиллари ўрин олган.

Таъкидлаш жоизки, икки давлат ўртасида ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги тенг манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, биргина 2006 йилда давлатлараро товар айланмаси 658,5 млн. АҚШ долларини, бунда Ўзбекистоннинг ижобий сальдоси 582,7 млн. АҚШ долларини ташкил этгани фикримизга далил бўла олади.

Айни чоғда, юртимиздаги ишбилармонлик муҳити, ҳорижий инвесторларга яратилаётган имтиёз ва имконият эронлик тадбиркорларни ҳам бефарқ қолдирмаётир. Хусусан, ҳозирда 23 та қўшма корхона 100 фоиз эронлик тадбиркорлар сармояси асосида ташкил этилган.

Кеча пойтахтимиздаги Марказий меҳмонхонада ушбу алоқаларни янада юқори босқичга кўтариш, томонларнинг мавжуд имкониятлари билан яқиндан танишиш мақсадида икки томон ишбилармон доиралари ўртасида ўзбек-эрон бизнес семинари ўтказилди. Шунингдек, ташкил этилган Кооперацион биржада икки давлат тадбиркорлари ўртасида тўғридан тўғри шерикчилик алоқаларини ўрнатиш ва унинг истиқболлари, Ўзбекистонда хорижий инвестиция асосида ҳамкорликда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва турли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданияти пойтахтларидан бири, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси хорижий мамлакатлар сиёсий, маданий ва жамоатчилик доираларида, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ўртасида катта қизиқиш билан қарши олиниши баробарида чет эл оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг шарҳланмоқда.

Мисрнинг Ўзбекистондаги элчиси Надиа Кафафий Ўзбекистон раҳбарининг Тошкент ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ислом цивилизацияси ривожига ўзбек халқи қўшган ҳиссанинг юксак эътирофидир, деб айтган фикрини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди.

Н.Кафафийнинг айтишича, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг бу қарорини мамнуният билан қабул қилган Миср ҳам худди шундай фикрда. Мазкур қарор муносабати билан Миср диний маркази бўлмиш «Аль-Азҳар» шайхи Муҳаммад Тантовий биринчилар қаторида Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига ўз табриги ва энг эзгу тилакларини йўллагани юқоридаги фикримизнинг далилидир, деди Миср Араб Республикасининг элчиси.

Кувайтнинг Ўзбекистондаги элчиси Одил Муҳаммад Ҳаётнинг фикр билдиришича, Тошкент ислом маданияти пойтахти сифатида танланиши асосли сабабларга эга. «Ўзбекистонда туриб, республика ҳукуматининг бобокалонлар меросини асраш, қайта тиклаш ва ривожлантиришга йўналтирилган улкан ишларининг гувоҳи бўлдим», деди Кувайт дипломатия ваколатхонасининг раҳбари.

Фаластиннинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Абдулла аль-Хеби ислом олами даҳолари, ёрқин тафаккур эгалари ва буюк алломалари айнан Ўзбекистон заминида туғилгани ҳамда улар ҳақиқий исломий ғояларнинг тарқалиши ва ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшгани ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти билдирган фикрларга тўла қўшилишини қайд этди. Шу ўринда Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий, Нақшбандий ва бошқа кўплаб ислом дунёсининг буюк алломалари қолдирган меросни таъкидлаш керакки, улар бутун ислом оламида ҳурмат ва эҳтиромга сазовордир.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон Президентининг ана шундай буюк меросни қайта тиклаш ва уни ёш авлодлар учун авайлаб-асраш ишига қўшган улкан ҳиссасини ҳурмат билан қайд этишни истар эдим, деди фаластинлик дипломат.

Афғонистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад Фарук Бараки Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти сифатида танлангани тўғрисидаги ISESCO қароридан фахрланганини баён этди.

Ишончим комилки, бу хушхабар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун мусулмон дунёсида кўтаринки руҳ билан қабул қилинди, деди афғонистонлик дипломат.

Эрон элчихонаси раҳбари муовини Ираж Элахийнинг фикр билдиришича, Ўзбекистон Исломнинг кенг тарқалиши ва мусулмонлар ўртасида эътиқод мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этган ислом дунёсининг энг нуфузли давлатларидан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб танланиши мутлақо адолатли ва муносиб қарордир. Ўзбекистоннинг ислом маданий қадриятларини авайлаб-асраш бўйича олиб бораётган изчил сиёсати ҳар қанча эътибор ва юксак баҳога сазовор.

Иорданиянинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Муҳаммад Балкар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг Тошкент шаҳрини ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки бутун мусулмонлар ҳаётидаги муҳим воқеа эканига шубҳа йўқ.

Мен ҳам ўзбекистонликлар билан бирга бу қарордан фахрланаман, деди Муҳаммад Балкар.

Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчиси А. Мадмаровнинг фикрича, ISESCO томонидан Тошкентнинг ислом маданияти маркази, деб эълон қилиниши юксак баҳога сазовордир. Чунки Ўзбекистон ислом цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган. «Ўзбекистон Президентининг тарихий ёдгорликларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш борасидаги ғамхўрлиги мени чуқур ҳайратга солди. Мамлакатингиз раҳбарининг халқ ўз тарихини билмоғи лозим, чунки бу келажакни барпо этишнинг муҳим омилидир, деган фикрига тўла қўшиламан», деди Қирғизистон элчиси.

(Давоми 2-бетда).

МИСР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фаиз Абу ан-Наджа хоним 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Миср ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси мамлакатимиз илм-фани, иқтисодиёти, маданияти ва санъатини янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида азалий қадриятларимиз, аждодларимизнинг бой меросини кенг тарғиб этишдек эзгу мақсадлар йўлида хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жамғарма томонидан "Навқирон Ўзбекистон", "Янги авлод" фестивалларини ва "Келажак овози" танловининг юксак савияда ўтказилиб, таълим грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендия дастурларининг жорий этилиши, ёшлар истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида қаровсиз ётган икки қаватли бино жамғарма томонидан таъмирланиб, "Янги авлод форуми" болалар ижодиёти марказига айлантирилгани ҳам ана шундай хайрли ишлардан бўлди.

Замонавий жиҳозлар билан таъминланган ушбу марказда болалар учун компьютер технологиялари, инглиз, француз тиллари, хореография тўгараклари, ёш мухбирлар, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш клублари, театр студияси ишлаб турибди. Уларда 6-16 ёш оралиғидаги болалар бепул шуғулланмоқда.

Марказ директори Мақсуда Раҳматуллаеванинг айтишича, айни пайтгача тўгаракларга уч юз нафарга яқин болалар аъзо бўлган. Уларнинг сони кун сайин ортмоқда.

— Мен инглиз тили тўгарагига қатнашаяпман, — дейди пойтахтимиздаги 115-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Диёра Усмонова. — Бизга бу фандан тажрибали устоз Альсина Қўчқорова сабоқ бермоқда. Ниятим — келажакда тилшунос бўлиш.

— Компьютер технологияларига жуда қизиқаман, — дейди 9-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Беҳзод Ойбеков. — Дарсдан бўш вақтимда бу ердаги компьютер тўгарагига келиб, шу соҳа бўйича билимимни ошираяпман.

Юртимиз ёшлари мана шундай кенг имкониятларга эга бўлмоқдалар. Улар бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан астойдил ўқиб-изланишлари, келажакда мамлакатимиз ривожига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишлари даркор.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Сўнгги соатда

Ўзбекистон – БАА

Кеча «Пахтакор» марказий стадионида Олимпия терма жамоамиз «Пекин — 2008» Олимпиадаси гуруҳ босқичидаги дастлабки учрашувини БАА футболчиларига қарши ўтказди.

Учрашув тақдири биринчи бўлимдаёқ ҳал этилди. Нодир Қўзибоев ва Марат Бикмаевлар киритган голларга амирлик футболчиси Абдулла Ҳасан битта тўп билан (2:1) жавоб қайтарди. Ҳамюртларимизда йириқроқ ҳисобда ғалаба қозониш имконияти бор эди. Иккинчи бўлим бошларида Одил Аҳмедов ўн бир метрлик жарима тўпини дарвозага кирита олмади.

Юрдошларимиз гуруҳ босқичидаги иккинчи учрашувни 14 март куни Яман Олимпия терма жамоасига қарши ўтказади.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Т. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига интервьюси араб мамлакатлари, жумладан Миср Араб Республикаси оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий-сиёсий доираларида кенг шарҳланаётир. Қоҳирада жойлашган MENA Яқин Шарқ ахборот агентлиги, «Абулҳаул ад-Давлия» газетаси ўзларининг электрон ва матбуот нашрлари саҳифаларида Ўзбекистон Президенти берган интервью матнини чоп этди.

Ўз навбатида, Россиянинг «Интерфакс» ахборот агентлиги Президент И. Каримовнинг «Туркистон-пресс» мухбирига берган интервьюси ҳақида тарқатган хабарида Ўзбекистон давлат раҳбарининг «Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда» деган сўзларини келтиради.

Сиёсий фанлар доктори, Эрондаги Марказий Осиё, Кавказ ва Россия муаммоларини ўрганиш марказининг раҳбари Меҳди Саноий таъкидлаганидек, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг интервьюси мамлакатда миллий мафкурани шакллантириш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг муҳим жиҳатларини ўзида қамраб олган. Интервьюнинг таҳлили Ўзбекистон раҳбари ўсиб келаётган ёш авлодни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратаётганидан далолат беради. Шу билан бирга, юртбошининг диний асл қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда уни турли хил ҳамлалардан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида урғу бергани Ўзбекистон Президенти ақлларни ҳаяжонга солаётгани ҳолда Ислом оламининг ташқи хуружларга рўпара бўлаётгани билан боғлиқ муаммоларини аниқ ва равшан тасаввур эта олувчи дунё етакчиларидан бири эканлигини тасдиқлайди.

Президент И. Каримовнинг интервьюсини шарҳлар экан, **Туркиянинг ТУСАМ таҳлил маркази раҳбари А. Кюлеби** Ўзбекистон мустақиллик йиллари давомида маданиятга, маънавият ва динга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш масалаларида катта муваффақиятларни қўлга киритганини айтди.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Ўзбекистон пойтахтининг мусулмон олами ҳаётида тутган муҳим ўрни, унинг ижтимоий-маданий тараққиётда эришган ютуқларининг эътирофидир. Бу, шунингдек, давлат раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган мамлакат маданий ва маънавий қадриятларини тиклаш ва асраб-авайлаш борасидаги ислоҳотлар жараёнининг кўрсаткичи сифатида ҳам хизмат қилади.

«Жаҳон» АА.

МУНОСАБАТ

Мустақиллик — олий қадрият, ўзбекка ва ҳар бир ўзбекистонликка берилган энг мўътабар неъмат. Мана ўн олти йилдирки, у бизнинг ҳаётимизда, тақдиримизда. Кундалик турмушимиз, илмий ва ижодий ёки маънавий-маърифий ва ҳатто тарбиявий фаолиятимизда ҳам унинг илиқ тафтини сезамиз, тафаккуримиздаги янгиланишлар, юртимиз ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш, воқеа ва ҳодисаларга бўлаётган тийрак муносабатлар ҳам шундан.Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси ҳам одамларимиз тез аксадо берди. Зеро, диндорларимиз буни, энг аввало, истиқлолимиз берган имконият, деб баҳолашмоқда ҳамда бу бизни қувонтириши билан бирга зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди, дейишмоқда.

ҲАМ ИФТИХОР, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Дарҳақиқат, Истиқлол Ватанимиздаги ҳар бир фуқаро ҳаётида кескин бурилиш ясади. Энг аввало, бизнинг қадриятларимиз тикланди, тафаккуримиз тозаланди. Маърифий дунё бизга кириб келди ва биз ҳам унга рўбарў чиқдик. Истиқлол нафақат менинг, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг, ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳаётига эркинлик олиб келди. Ўтган давр ҳар томонлама тикланиш ва юксалиш йиллари бўлди. Президентимизнинг биргина ёшларга бўлган эътиборини олиб қаранг. «Таълим тўғрисида» Қонун ишламоқда, лицей ва гимназиялар, маҳоратли коллежлар қурилди. Бугунги кунда ҳам давлат бюджетининг жуда катта қисми ёшлар учун, уларнинг дунёвий ва диний таҳсил олишлари учун сарфланмоқда. Ёшларимиз чет тилларини равон ўрганишмоқда, компьютерни эркин бошқарадилар. Уларнинг интернет орқали дунё билан тиллашаётганини кўриб истиқлол фарзандларига ҳавасимиз келади. Бу йилларда муқаддас динимизга бўлган эътибор юз чандон ортди, виждон эркинлиги тушунчаси Конституциямизда қонуний кафолатини топди.

Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши эса, табиийки, бизга ғурур ва ифтихор бағишлади. Президентимиз таъкидлаганидек, бу дунё маърифий оммаси томонидан ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи ҳамдир. Пойтахтимизга бундай баҳони берган АЙСЕСКО кичик ташкилот эмас. Қолаверса, буни ўта одил баҳо деб айтиш керак. Негаки, энг аввало, асрлар мобайнида диний ва дунёвий илмлар яратган инсонларнинг аксарияти ушбу юрт тупроғида туғилган, ижод қилган ва шу масканда абадий қўним топганлар. Мустақиллик уларнинг ўзларини ҳам, буюк кашфиётларини ҳам шу юртга, ва умуман, бани башариятга қайтарди. Бу шарафли ишда Президентимизнинг беқиёс хизматлари бор. У кишининг бевосита раҳбарликлари туфайли диний маърифий қадриятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, ёшларимиз қалби ва онгига ушбу эзгу ғояларни сингдириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Тарихий, диний ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлаш, буюк алломаларимизнинг номи ва қадрини улуғлаш бўйича мамлакатимизда қилинган ва қилинаётган ишларнинг саноғига етиш қийин. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар ҳозирда ҳам шаҳду шижоат билан давом эттирилмоқда. Мен халқаро ташкилотнинг юқоридаги баҳосида ана шундай ҳикматлар мужассамлигини сездим.

Элимиз — бунёдкор халқ. Бугун Андижонда олиб борилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар одамни қувонтиради. Бунёдкорликлардан кўзинг яйрайди. Ҳозир андижонликлар бир тан-бир жон бўлиб, кечаги кунниг сабоғини кўнгилларига жо этиб, фидойиларча меҳнат қилишмоқда, кексаларимиз эса тоат ва ибодатларида Оллоҳдан шу юртнинг порлоқ истиқболини, мустақиллигимизнинг абадиятини, Президентимизнинг сиҳат-саломатлигини сўрашмоқда. Илоҳим, истиқлолдан бағри бутун юртимизда тинчлик доимо барқарор бўлсин! Тинчлигимизга, мамлакатимиздаги осойишталикка кўз тегмасин. Одамлардаги, айниқса, ота-оналардаги фарзандлари тақдирига бўлган боқиёғамлик, лоқайдлик тезда бартараф топсин.

Нуриддин ҳожи ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Андижон вилояти бош имом-хатиби.



КЎНҒИЛЛАРДА ЯШНАСИН БАҲОР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўғри, камчиликлар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмас. Аммо ҳеч ким қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қатор ҳужжатларда эл-юрт фаровонлигини ошириш бош мақсад қилиб қўйилган. Бу эса эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Бугуни ўтиб, эртаси мавҳум туюлган кундан Ўзи асрасин. Ҳар куни кўраяпмиз, ўқияпмиз, эшитаяпмиз: қайсидир мамлакатда уруш олови сачраб, тинчлик деган улуғ неъматга путур етмоқда. Фиск-фасод, фитналар боис бегуноҳ одамлар, норасида гўдаклар нобуд бўлмоқда. Эртанги кунга умид йўқ.

Кўз тегмасин, бизнинг юртимизда фаровонликка эришиш учун жадал ишлар амалга оширилаяпти. Одамлар саломатлигини асрашдан тортиб ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламга ғамхўрлик кўрсатишдек савобга йўғрилган ишлар давлатимиз сиёсатига айланган. Бундай юксак ҳимматпарварлик Наврўз кунларида, айниқса, яққолроқ намоён бўлади.

Дарвоқе, умумхалқ байрами шарофати билан қонқонимизга сингиб кетган, фақат халқимиз феъл-атворигагина хос бўлган ибратли удумимиз бор. У ҳам бўлса, одамлар қалбидаги меҳр-оқибатнинг амалий кўринишидир. Одатда, байрамларда зиёфатлар, меҳмондорчиликлар, турфа таомлар пишириш авжига чиқади. Наврўз ҳам бу каби анъаналардан мустасно эмас. Аммо фарқли томони шундаки, таомлар тайёр бўлгач, энг аввало, беморлар, ёлғиз, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олинади. Биров бировга: "Фалончининг ҳолидан хабар ол" демаса-да, дилида меҳр-оқибати бор одам, албатта, бемор қўшниси, маҳалладошининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади. Бу эса, Наврўзнинг халқчил айём, эзгулик элчиси эканлигига яна бир далилдир.

Ҳа, Наврўзнинг орамиздаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлашда, маҳаллаларда, қишлоқларимизда ободончилик ишларининг авж олишидаги таъсири беқиёс. Шунингдек, Наврўз арафасида олиб борилаётган эзгу ўзгаришларнинг барчасига осойишталигимиз сабабчи эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Юртимиз тинчлиги, устимиз бутлиги боис фаровонлик учун курашаяпмиз, байрамларимизни хуш-хандонлик билан қаршилаяпмиз. Бу қувончнинг кўнгилларга кўчаётгани эса янада фараҳлидир. Зеро, ободлик, аввало, кўнгилдан бошланади, деган калом бежиз айтилмаган.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

фармон ва ижро

Гендер тенглиги – меҳнат қилиш, билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш каби соҳаларда эркаклар ва хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратилиши демакдир. Тошкент давлат юридик институтида мамлакатимизда бу борадаги ислоҳотлар ва гендер таълимига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, республика Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Фанлар академияси Тарих институти ҳамда жамоат ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда гендер тенглиги масалалари мамлакатимиздаги вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг доимий диққат-эътиборидадир. Айни пайтда бу борада ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Улар, асосан, хотин-қизларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтириш, болаларнинг қаровсиз қолиши натижасида юзага келиши эҳтимоли бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, аёллар ўртасида жиноятчилик кўрсаткичининг камайиши каби омиллар билан боғлиқдир.

Анжуманда Ўзбекистонда гендер сиёсатининг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатлари, жамиятда кечаётган демократиялаштириш жараёнларида унинг қарор топиш истиқболлари, тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларни таъминлаш масалалари, гендерга оид битимларни кенг оммалаштиришда аёллар ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Оқсоқоллар ўқуви

Бахмал туманида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури» ижросини таъминлашга қаратилган фуқаролар йиғинлари раисларининг икки кунлик семинари бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходимлари, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти мутахассислари маърузалари асосида мунозаралар бўлиб ўтди.

Семинарда асосий эътибор фуқаролар йиғинларида аҳолининг бандлик масалалари ечимига қаратилди. Маҳаллалар бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни, ёшлар билан ишлаш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолияти, диний, маърифат ва маънавий, ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, профилактика нозирлари ҳамда посбонларнинг долзарб юмушлари алоҳида муҳокамаларга сабаб бўлди.

Шу мавзудаги ҳудудий семинар йиғилишлари Жиззах вилоятининг Дўстлик, Зомин туманлари ва Жиззах шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ун темир моддаси билан бойитилмоқда

Оналар ва болалар орасида учрайдиган камқонликнинг олдини олиш, касалликни чекинтириш мақсадида «Андижондонмаҳсулот» акциядорлик жамиятининг тегирмонига дозатор ўрнатилди.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясидан табиатнинг беназир мўъжизаси бўлган унга қўшиладиган витамин-минерал аралашмаси олиб келинди ва махсус ишлов берилган дастлабки намунавий маҳсулот ишлаб чиқарилди. Икки тонна миқдоридаги фортификацияланган ун вилоят санитария-эпидемиология маркази ҳамда республика давлат дон инспекцияси сертификация бўлимига ўрганиб чиқиш учун ҳавола қилинди.

Мутахассисларнинг фикрича, бир тонна унни темир моддаси билан бойитиш учун 120 грамм витамин-минерал аралашмаси кифоя қилади.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Долзарб мавзу

Халқимизда "Излаган имкон топар" деган ажойиб мақол бор. Дарҳақиқат, ҳар бир соҳада мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилса, изланилса, пировард натижа ҳайрли бўлиши, шубҳасиз. Бундан атиги 1,5 йил муқаддам ташкил этилган "Asia Agpo Alliance" масъулияти чекланган жамияти мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Жамоа фаолияти билан батафсил танишиб, қисқа муддатда амалга оширилган ишларни кўриб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий технологияларни қўллаш, чет эл инвестициясини олиб кириш натижасида қандай кўрсаткичларни қўлга киритиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик.

Паррандачилик:

ЯНГИЛАНИШ — БОЗОР ТАЛАБИ

Жамият ўз фаолиятини мамлакатимиздаги истеъмол бозорини ўрганиб, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришни олдига мақсад қилиб қўйди. Жамоа аъзолари юртимизда қулай об-ҳаво шароити бўлишига қарамасдан айрим маҳсулотлар етишмаслиги, айримларининг эса нархи қимматлиги боис, уларни етиштиришга бел боғлади. Республикамизда паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва деҳқончилик маҳсулотларига талаб катта эканлиги боис, уларни ишлаб чиқаришга киришди.

Биз жамият фаолиятининг бир тури — паррандачиликда қўлга киритилаётган кўрсаткичлар билан қизиқдик. Жамоа юртимиздаги иқтисодий ночор, деярли банкрот ҳолга келиб қолган паррандачилик хўжаликларини сотиб олиб, уларни тубдан қайта реконструкция қилиб, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва хориждан олиб келинган замонавий линиялар асосида паррандаларни парвариш қилишни бошлади.

Маълумки, собиқ шўро даврида ушбу соҳадан мерос бўлган эски технология, иқтисодий таназзул тармоқ хўжаликларини оғир аҳволга солиб қўйган, уларнинг деярли кўпчилиги банкрот ҳолида иш юритарди. Бир сўз билан айтганда, соҳада зарар кўриб ишлашга кўпчилик кўникиб қолганди.

Жамиятнинг Қибрай туманидаги хўжалигида эндигина иш бошланган пайтда бўлганимизда бинолар хароба, парранда парвариш қилинадиган агрегат линиялари нафақат моддий жиҳатдан, балки маънавий томондан ҳам эскирган эди. Жамоа аъзолари ишни товуқхоналарни қайта қуриб, жониворлар парвариш қилинадиган агрегат линияларини хориждан олиб келиб ўрнатишдан бошладилар. Паррандачилик соҳасида чет эл технологияларини сотиб олиш бўйича тендер эълон қилиниб, унда Италиянинг «Fassо» компанияси ғолиб деб топилди. Ишга жиддий киришилгач, самарадорлик қисқа муддатда кескин ошди.

Масалан, илгари хўжаликда ҳаммаси бўлиб 25 минг бош парранда парвариш қилиниб, ундан кунига зўрға 15-18 минг дона тухум олинган бўлса, қайта қурилган ва замонавий технология асосида жиҳозланган ҳар бир бинода эндиликда 60 минг бош парранда боқилиб, ҳар куни 50 минг дона тухум етиштирилмоқда. Олинган маҳсулотлар сотилиб, корхона ҳамёнига жарақ-жарақ пул тушяпти. Жамият аъзолари халқимизнинг "Паррандачилик — етти хазинанинг бири" деган мақолини амалда исботламоқдалар.

Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиниши бир қатор қулайликларни ҳам яратди. Аввало, ишчиларни оғир қўл меҳнатидан мутлақо озод қилди. Товуқхоналардаги жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган вентиляция кондиционерлари ёмон ҳидни тозалаб, атроф-муҳит ифлосланишининг ҳам олдини олди.

Бу ердаги барча жараёнлар компьютерлар ёрдамида бажарилади. Хусусан, паррандаларга озуқа, сув бериш, тухумларни йиғиштириб олиш, шу билан бирга, уларнинг чиқиндиларини тозалаш юмушлари шулар жумласига киради. Бино ичидаги зарур ҳарорат ҳам бир меъёрда сақланиб туради.

Биз паррандачилик соҳаси учун жуда муҳим бўлган зооветеринария ишларининг қандай йўлга қўйилганлиги билан ҳам қизиқдик. Голландиянинг "Интервет" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган вакциналар жониворларга қўлланилар экан. Мазкур компания жаҳонга машҳур бўлиб, унинг турли давлатларда дорилар тайёрлайдиган 55 та корхонаси мавжуд. Ҳар йили олинган фойданинг 15 фоизи илмий фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилади. Компания вакили Олег Темниковнинг таъкидлашича, уларда "парранда гриппи" бўйича ҳам самарали дори воситаси мавжуд бўлиб, у ҳозир амалиётда кенг қўлланилмоқда.

— Шу кунгача битта товуқхона биноси хориж технологияси асосида жиҳозланди, — дейди масъулияти чекланган жамият бош директори Абдужалил Абдумавлонов. — Иккинчи бинода эса ускуналарни монтаж қилиш ишлари якунланаяпти. Келгуси йилнинг охиригача 10 та ана шундай товуқхоналар фойдаланишга топширилади. Барча қурилиш ишларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат".

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси мажлиси қарорига кўра, республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб оладиган 2007-2010 йилларга мўлжалланган ягона дастур ишлаб чиқилиши белгиланганди. Унда қишлоқ хўжалиги ва қишлоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш учун тегишли тадбирлар, шу жумладан, молиявий омиллар ва солиқ имтиёзлари кўзда тутилиши лозим.

Тўғриси, кейинги пайтда бозорларда тухумнинг баҳоси бирмунча арзонлашди. Масалан, бундан 2-3 ой илгари бир дона тухум 160-180 сўм бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсатқич 100-110 сўмга тенг. Бунда, албатта, ўз маҳсулотларини республикамизнинг бозорларига олиб чиқаётган "Asia Agpo Alliance" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам улуши бор.

Собиқ шўро даврида ушбу хўжаликда бор-йўғи 25 минг бош парранда парвариш қилиниб, 15-18 минг донагача тухум олинган бўлса, ҳозир мазкур хўжаликнинг 1 та товуқхонасида 55 минг бош парранда боқилиб, ундан бир кунда 50 минг дона тухум олинмоқда.

тўхтатмаган ҳолда модернизация ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, шундай деди:

"Биринчи навбатдаги ҳал қилувчи асосий вазифа — бу иқтисодиётнинг барқарор ва муносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат".



— Мен доимо шу ердан тухум харид қиламан, — дейди чирчиқлик Маҳфуза Нурматова. — Аввало, улар бошқаларникига нисбатан йирик, кейин сифати ва мазаси ҳам яхши. Тухумнинг баҳосини арзонлаштириш мумкин экан-ку! Бунинг учун, аввало, бу соҳада меҳнат қилаётганларга раҳмат.

Пойтахтимиздаги "Бешёғоч деҳқон бозори" нинг Чилонзор шохобчасида бўлдик. Бу ердаги тухум расталарини кўздан кечирдик. "Asia Agpo Alliance" масъулияти чекланган жамиятнинг маҳсулотлари ҳам шохобчада сотилмоқда. Харидорлар билан суҳбатлашиб, уларнинг нарх-наво тўғрисидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Парҳез маҳсулотларининг инсон организмига фойдаси катта, — дейди Олимжон Пардаев. — Тиббиёт меъёрларига кўра, бир киши йилига 250 донагача тухум истеъмол қилиши лозим. Шундай экан, тухум доимо бозорда туриши ва унинг нархи ҳам арзон бўлиши керак. Ҳозир бозорда хоҳлаганча парҳез маҳсулотлари бор. Уларни янада арзон қилиш учун маҳсулот етиштирувчилар орасида рақобат муҳити яратилиши зарур.

Айни пайтда жамият паррандачилик хўжалигининг маҳсулотлари Тошкент вилоятидаги 12 та бозорда, пойтахтимиздаги 4 та савдо шохобчасида сотилмоқда.

Республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам "Asia Agpo Alliance" масъулияти чекланган жамиятнинг паррандачилик билан шуғулланаётган хўжаликлари мавжуд. Масалан, улар Ўрта Чирчиқ туманида, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида бўлиб, парҳез маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Ҳозир ушбу жамоаларда ҳам модернизация ишлари давом этиб, хориждан келтирилган технология асосида маҳсулот етиштиришга киришиляпти.Кейинчалик хўжаликларда гўшт ва тухум йўналишидаги наслли жўжалар етиштириш кўзда тутиляпти. Шунда нафақат жамият хўжаликларини зотдор жўжалар билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади, балки республикамиздаги бошқа жамоаларга уларни сотиш мумкин бўлади. Шунингдек, Зангиота ва Поп туманларида сув ҳавзалари хусусийлаштирилиб, балиқчилик билан шуғулланиш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, учта қорамолчиликка ихтисослашган ферма мавжуд.

— Фаолиятимизни бошлаганимизда низом жамғармамизда 150 минг АҚШ доллари бор эди, — дейди "Asia Agpo Alliance" масъулияти чекланган жамияти раиси Абдужалил Абдумавлонов. — Ишни бирмунча мураккаб, лекин инсон саломатлиги учун зарур бўлган парранда ва мол гўшти, тухум, сут, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган соҳадан бошладик. Ҳозир ишни йўлга қўйиб, ривожланиш босқичига чиқиб олдик. Бугун низом жамғармамизда 7,5 миллиард сўм мавжуд. Замонавий янги технологияни олиб кирмасдан, яъни ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан муваффақиятга эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Биз чет эл инвестицияси иштирокида иш юритаётган "Asia Agpo Alliance" масъулияти чекланган жамиятининг бир хўжалиги фаолияти тўғрисида сўз юритдик. Ана шундай юқори унумли, замонавий корхоналарнинг бунёд этилиши бозорларда маҳсулот сероблигини таъминлабгина қолмай, балки янги иш ўринларини ташкил этиш, одамларга қулай ва замонавий меҳнат шароитларини яратиш, фуқароларимизнинг дунё қарашини ўзгартириш имконини беради. Шунингдек, бюджетга тушадиган солиқ ва бошқа тўловларни кўпайтириш билан бирга, давлатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари Кенгашидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари Кенгаши 2007 йилда бериладиган Давлат мукофотлари танловига қуйидаги ишлар қўйилганлигини маълум қилади:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотига:

1. Абдукаримов А.А., Абдуллаев А.А., Абдурахмонов И.Ю., Мусаев Д.А., Ризаева С.М. Ғўзанинг Gossypium тури генофондининг фундаментал тадқиқотлари.

Ғўзанинг миллий генофонди илк маротаба дунё миқёсида ўрганилиб, юқори самарали, амалий ва молекуляр селекцияга асос бўлиб хизмат қиладиган фундаментал натижалар олинган.

ЎзР Фанлар академияси, Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институти.

2. Азимов Д.А., Лановенко Е.Н., Мирабдуллаев И.М., Ҳамраев А.Ш., Шерназаров Э. Ўзбекистон биологик хилма-хиллигини сақлаш стратегияси ва фауна ресурсларидан барқарор фойдаланиш.

Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси ва улардан барқарор фойдаланиш принциплари ишлаб чиқилган, олинган фундаментал натижалар амалиётда самарали фойдаланилган.

ЎзР Фанлар академияси, Зоология институти.

3. Атабаев И.Г., Саидов А.С., Саидов М.С. Янги яримўтказгич қаттиқ қотишмалар ва уларда киришмалар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар.

Қаттиқ қотишмалар ҳосил бўлиш жараёнлари, уларда киришмали фотоэффект ва турли физикавий ҳодисаларнинг яримўтказгич материаллари ва асбоблари хоссаларига таъсири тўғрисидаги тасаввурларни тубдан ўзгартирувчи янги назария яратилган ва амалий натижалар олинган.

ЎзР Фанлар академияси, Физика-техника институти.

4. Аюпов К.С., Баходирхонов М.К., Зикриллаев Н.Ф., Илиев Х.М., Эгамбердиев Б.Э. Наноўлчамли структуралар ҳосил қилинган кремнийдаги янги физик ҳодисалар ва улар асосида тубдан янги бўлган функционал электроника асбобларини яратиш.

Янги синф яримўтказгичли материаллар — кристалл ичида наноўлчамли структуралар ҳосил қилинган кремний олиш технологияси яратилган ва тубдан янги физик ҳодисаларнинг қонуниятлари кашф этилган. Янги синф микроэлектроника ва функционал электроника асбоблари яратилган.

ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети.

5. Беглов Б.М., Намозов Ш.С., Раджабов Р., Реймов А.М., Сабоев Ў.Э. Янги азот-фосфоркальций таркибли ўғитларнинг юқори самарадор технологиясининг илмий асосларини яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Биринчи маротаба азот-фосфоркальций таркибли ўғитларнинг юқори самарадор технологиясининг илмий асослари ишлаб чиқилган ва янги технологиялар амалиётга жорий этилган.

ЎзР Фанлар академияси, Умумий ва ноорганик кимё институти.

6. Джахангиров Ф.Н., Қурбонов Р.Д., Сагдуллаев Ш.Ш., Содиқов А.З., Юнусов С.Ю. Мамлакатимизда янги аритмик таъсирга эга бўлган "Аллапинин" доривор препарати асосларини ишлаб чиқиш ва яратиш, тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш ҳамда йирик ҳажмларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Мамлакатимизда янги антиаритмик таъсирга эга бўлган "Аллапинин" доривор препаратлари яратилган. Саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологияси яратилиб, тиббиёт амалиётига тадбиқ этилган ҳамда уни йирик ҳажмларда ишлаб чиқариш жорий қилинган.

ЎзР Фанлар академияси, С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти.

7. Мўминов Т.М., Салихбоев У.С., Сафаров А.Н., Скворцов В.В. Электромагнит нурланишнинг гамма диапазонида кўзгудан қайтиш ҳодисасини аниқлаш ва қайд қилиш.

Гамма квантларининг микроскопик текис-ясси сиртда сирпаниш бурчаги градуснинг мингдан бир улушида илгари номаълум бўлган кўзгудан қайтиш ҳодисаси топилган.

ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Амалий физика илмий-тадқиқот институти.

8. Ртвеладзе Э.В. Марказий Осиё тарихи ва маданияти тарихи бўйича илмий ишлар мажмуаси.

Йирик минтақа — Марказий Осиё давлатлари ва цивилизациялари тарихи, Евроосиё материгининг турли мамлакатлари динлари ва маданиятлари ўзаро муносабатларининг долзарб фундаментал муаммоларига бағишланган.

ЎзР Бадиий академияси, Санъатшунослик институти.

9. Содикова Н., Богославская И.В., Левтеева Л.Г. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар) (Ўзбек миллий кийимлари ва Ўзбекистон дўппилари (XIX-XX асрлар) монографиялари).

Ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари ва турмуш тарзи ўз ифодасини топган анъанавий миллий кийимларга оид маълумотлар келтирилган.

ЎзР Фанлар академияси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи.

10. Салоҳиддинов М.С. "Математик физика тенгламалари" дарслиги.

Дарслик университетларнинг механика-математика факультетлари талабалари учун мўлжалланган. Ундан магистрлар, аспирантлар ва илмий ходимлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

11. Хоназаров А.А., Юсупов Ш.Т., Новицкий З.Б., Ботман Е.К., Чернова Г.М. Ўзбекистонда экологик вазиятни яхшилаш ва халқ фаровонлигини оширишда ўрмонларнинг тутган ўрни.

Орол денгизининг қуриган ерларида, чўлларда, тоғ ва тоғолди зоналарида ўрмон мелоратив ишларини олиб боришнинг назарий ва амалий асослари яратилган. Ўрмон дарахтларининг тез ўсувчи турлари бўйича плантациялар барпо этиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалга оширилган.

ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Декоратив боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази.

Адабиёт соҳасида Давлат мукофотига:

1. Суюнов Азимбай Алимович (Азим Суюн). "Ватан фасллари" шеърлар ва достон тўплами.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

2. Аҳмедов Муҳаммат-Али (Муҳаммад Али). "Улуғ салтанат" тарихий роман-дилогия.

Амир Темур ҳамда унинг фарзандлари Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзо ҳақидаги асар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

3. Абдулҳакимов Матназар (Матназар Абдулҳаким). "Ойдинлик" шеърий тўплами ва "Иккинчи муаллим сабоқлари. Таржимон талқинлари" китоби.

Шеърлар тўплами ҳамда Паҳлавон Маҳмуд ижодига бағишланган китоб.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

4. Шарафиддинов Озод. Истиқлол ва миллий маънавият ("Ижодни англаш бахти" ва "Довондаги ўйлар" асарлари мисолида) ижодий иши.

Адабий-публицистик асарлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

5. Мирзаев Мирпўлат, Жаҳон шеъриятидан намуналар: "Сайра, дўмбирам" (2005 й.), "Сомон йўли чечаклари" (2004 й.) тўпламлари.

Хорижий тиллардан ўзбекчага таржималар.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.

Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотига:

1. Эргашев Анвар Юлдашевич. "Ҳумо" балети.

Романтик балет-эртак.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

2. Бегимқулова Замира Латифовна. "Гулхан атрофидагилар" видеофильми.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбекистон" телерадиоканали" давлат унитар корхонаси.

3. Давыдов Эдуард Рубенович. "Ўзбекистон дурдоналари", "Хоразмнинг олтин ҳалқаси" телевизион фильмлар мажмуаси.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбектелефильм" давлат унитар корхонаси.

4. Исраилов Таджибай Гуламович. Кўп қисмли "Мирзо Улуғбек" телевизион спектакли.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбекистон" телерадиоканали" давлат унитар корхонаси, "Ўзбектелефильм" корхонаси.

5. Янов-Яновская Наталья Соломоновна.

Мутал Бурҳонов ижоди ҳақида монография.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси.

6. Комилова Холида Ҳафизовна. Ўзбек миллий кийими асосида замонавий либослар дизайнининг ривожланиши.

Миллий кийимлар дизайни бўйича ишлар.

Ўзбекистон Бадиий академияси.

7. Умарбеков Жавлат Юсупович. "Болалигимиз ёзи" полиптихи.

115 X 342 ўлчамли расм (мато, мой).

Ўзбекистон Бадиий академияси.

8. Тошкент шаҳрини қуриб қайта тиклаш ва обод қилиш лойиҳалаш институти очиқ акциядорлик жамияти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси.

Тошкент шаҳри Мустақиллик майдонидаги маъмурий бино.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.

9. Мусоқов Зулфиқор, Исмоилов Абдураҳим. "Ватан" бадиий фильми.

"Ўзбеккино" миллий агентлиги.

10. Турдимов Шомирза, Камолова Қамара, Абдухаиров Муҳаммад Исо.

"Йўл бўлсин" бадиий фильми.

"Ўзбеккино" миллий агентлиги.

Кенгаш илмий ишлаб-чиқариш бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, илмий-техник жамиятлар, олимлар ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари, архитекторлар ҳамда кенг жамоатчиликдан танловга қўйилган ишлар ва улар муаллифлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдиришларини сўрайди.

Танловга қўйилган ишлар ва улар муаллифлари ҳақидаги билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар, тақризлар, муҳокама натижалари ва камчиликлар Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича ЎзР Фанлар академиясига, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофоти бўйича ЎзР Маданият ва спорт ишлари вазирлигига юборилиши лозим:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:
100047, Тошкент шаҳри,
Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 320-хона.
Тел.: (371) – 133-59-46.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:
100129, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 1- қават, 17-хона.
Тел.: (371) – 139-49-57, 144-31-90.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари Кенгаши.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Республика кўчмас мулк биржасининг ҳудудий вилоят филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига суд ижрочилари томонидан хатланган кўчмас мулклар ва автотранспорт воситаларини савдога қўймоқда.

I. Республика кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиалида 2007 йил 20 март куни соат 10.00 да:
Андижон шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 13 июлдаги №1-6509-сонли ижро ҳужжатига асосан, Андижон шаҳри, А.Темур кўчаси, 6-«А» уйда жойлашган, 2001 йилда қурилган, қурилиш майдони 204 кв.м. бўлган «Автосалон» савдо дўкони. *Бошланғич баҳоси — 43 719 940 сўм.*

2007 йил 20 мартдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда кўчмас мулк 2007 йилнинг 22, 27, 29 март ҳамда 3, 5, 10, 12, 17, 19 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларида давом эттирилади.

II. Республика кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиалида 2007 йил 29 март куни соат 11.00 да
Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 27 апрелдаги 22.03.04-908-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, «Хонқа дон маҳсулотлари» ОАЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:

1. Хонқа тумани, «Халқлар дўстлиги» кўчасида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 455,0 м2 бўлган «Темурбек» кичик новвойхонаси, 1993 йилда Туркияда ишлаб чиқарилган «Экмосан» русумли нон пиширадиган ускуналар жамланмаси билан бирга. *Бошланғич баҳоси — 150 580 617 сўм.*
2. Янгиариқ тумани марказининг «Мустақиллик» кўчаси билан О.Ким кўчаси туташган жойнинг шарқ томонида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 986,9 м2 бўлган «Янгиариқ» кичик новвойхонаси, 1995 йилда Германияда ишлаб чиқарилган «Винклер» русумли кичик новвойхона ускуна жамланмаси билан бирга. *Бошланғич баҳоси — 59 016 468 сўм.*
3. Хонқа тумани «Хонқа дон маҳсулотлари» ОАЖ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 4426,71 м2 бўлган иссиқхона биноси. *Бошланғич баҳоси — 44 624 949 сўм.*
4. Хонқа тумани «Хонқа дон маҳсулотлари» ОАЖ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 714,0 м2 бўлган цех биноси. *Бошланғич баҳоси — 137 320 866 сўм.*

2007 йил 29 мартдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда мулклар 2007 йилнинг 5, 12, 19, 26 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларида давом эттирилади.

III. Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент савдо майдончасида 2007 йил 27 март куни соат 11.00 да
Тошкент шаҳри, Миробод тумани Фуқаролик ишлари бўйича судининг 2006 йил 19 декабрдаги №1-22011/06-сонли ижро варақасига асосан, Бектемир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, қарздор Л.Хамдиевга тегишли (уй-жой), умумий майдони 101,90 кв.м. иборат, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Макаренко кўчасида жойлашган 3-уй. *Бошланғич баҳоси — 33 000 000 сўм.*

2007 йил 27 мартдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда кўчмас мулк 2007 йилнинг 29 март, 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24 май кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларида давом эттирилади.

IV. Республика кўчмас мулк биржаси Қашқадарё вилояти филиалида 2007 йил 20 март куни соат 10.00да:

1. Қарши шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, фуқаро Рустамов Нодирга тегишли, Қарши шаҳри, А.Навоий кўчасида жойлашган 1/10-уй. *Бошланғич баҳоси — 39 000 000 сўм.*
2. Қарши шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, Қарши шаҳрида жойлашган, пойдевори пишиқ ғиштдан, томи шифердан, умумий майдони 62,0 кв.м.дан иборат бўлган «Рогузар» маҳалласи фуқаролар йиғини биноси. *Бошланғич баҳоси — 60 140 000 сўм.*
3. Қарши шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, фуқаро Амирқулов Шомилга тегишли, пишиқ ғиштдан қурилган, пойдевори бетон, темир-бетон плита ва шифер билан ёпилган, умумий майдони 543,0 кв.м.дан иборат бўлган Қарши шаҳри, «Кўлбўйи-4» кўчасида жойлашган 10-уй. *Бошланғич баҳоси — 65 510 000 сўм.*

Шунингдек, 2007 йил 27 март куни соат 10.00 да:

4. Қарши шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, «Қашқадарё қурилиш» МЧЖга қарашли Қарши шаҳри, «Жайхун» кўчаси, 2-уйда жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Темир-бетон заводи» биноси ҳамда 487,5 пог./метрлик темир йўл. *Боцланғич баҳоси — 246 086 000 сўм.*
5. Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган, 1982 йилда АҚШда ишлаб чиқарилган, техник соз ҳолатдаги, «MACK TRUCKS INC» русумли катта ҳажмдаги цистернали автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.*
6. Департаментнинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган, 1981 йил АҚШда ишлаб чиқарилган, техник соз ҳолатдаги, «MACK TRUCKS INC» русумли катта ҳажмдаги цистернали автотранспорт воситаси. *Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.*

V. Республика кўчмас мулк биржаси марказий идорасида 2007 йил 29 март, 3 ва 10 апрель кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 45-уйда жойлашган, ЁАЖ шаклидаги «УзСматана-Сантехника» қўшма корхонасининг мулкий мажмуаси қўйилмоқда. *Бошланғич баҳоси — 5 647 400 000 сўм.*

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини:
- РКМБ Андижон вилояти филиалининг қуйидаги: «Асакабанк»даги 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
- РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги: АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тинчлик филиалидаги 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
- РКМБ Тошкент савдо майдончасининг қуйидаги: АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20210000700571452062, МФО 00425, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
- РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг қуйидаги: Қарши шаҳар «Асакабанк»даги 20210000200571452006, МФО 00194, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
- РКМБ марказий идорасининг қуйидаги: АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20210000500571452057, МФО 00425, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Мурожаат учун манзиллар:

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Андижон вилояти филиали, Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 105-хона. Телефонлар: 224-48-53, 224-37-86.
«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилояти филиали, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй (мўлжал — Урганч шаҳар халқ таълими бўлими). Телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64.
«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Тошкент шаҳар савдо майдончаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Бухоро» кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.
«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Қашқадарё вилояти филиали, Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: 225-44-58.
«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ марказий идораси, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Хизматлар лицензияланган, лицензия: DB 001 №000004.

МАҲАЛЛАДОШЛАР ХУРСАНД

Марғилон шаҳридаги «Ёвқочар» маҳалласида «Шодиёна» тантаналар мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Дид билан жиҳозланган, турли маросимлар ўтказишга мўлжалланган бу мажмуани маҳаллада яшовчи тадбиркор Абдулаҳад Абдуллаев ўз маблағи ҳисобидан бунёд этди.

— Илгари бирор тадбир ёки тўй-маърака ўтказишда жой масаласида қийналиб қолардик, — дейди «Ёвқочар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулла Мўминов. — 800 ўринга мўлжалланган мазкур мажмуа Ижтимоий ҳимоя йилида маҳалладошларимизга ҳақиқий совға бўлди. Қолаверса, ҳудудимизда ўтадиган тўйларни ихчам ва тартибли ўтказиш учун имконият яратилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

РЕСПУБЛИКАДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, ЯККА ТАРТИБДАГИ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилари билан савдо корхоналари ўртасида яқин ўзаро алоқалар ўрнатиш, республика, минтақавий ва халқаро кўргазма-ярмаркаларини тизимли асосда ўтказишни ташкил этиш мақсадида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 декабрдаги 270-сонли қарорига мувофиқ

«ЎЗУЛГҮРЖИСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИ ТИЗИМИДА «ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ» ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Ўтказиладиган ярмаркаларда ушбу марказ маҳаллий саноат корхоналари, мулкчилик шакли турлича бўлган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, хорижий корхоналарга ишбилармонлик алоқалари ўрнатиш учун ҳамкорлар топиш ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро кўргазмалар, ярмаркаларда иштирок этишида кўмаклашади. Шунингдек, республикада ишлаб чиқарилмайдиган айрим хомашё, фурнитура ва бошқа анжомларни хусусий тадбиркорларга етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатади.

Ярмаркада қатнашиш истагини билдирган юридик ёки жисмоний шахсларга алоҳида стенд ва тегишли кўргазма майдонлари ажратилади.

Ярмаркада қатнашувчилар товар намуналари, проспект, буклет, прайс-варақа билан иштирок этадилар.

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
139-10-93, 139-12-82, 139-49-00, 139-48-26, 139-46-97.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 25-уй, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси.

Ярмаркага марҳамат!

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
Маҳсулот сертификатланган
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

МАГАЗИН-САЛОН "Умный Дом"

◈ Учрежденческие и мини-АТС
◈ Системы видеонаблюдения
◈ Системы контроля доступа
Тел.: 138-9999, 137-2988 Факс 137-2977
www.setko.uz Товар сертифицирован

МУРАББИЙ ҲАМ ИЖОДКОР

Мамлакатимиз полвонлари эркин ва юнон рум кураши бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида доимо пешқадамлар сафида юришади. Албатта, мураббийлар маҳорати мунтазам ошириб борилаётгани, спортчилар тайёрлаш тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Семинар

Кеча Миллий Олимпия қўмитасида очилган семинар ҳам эркин ва юнон рум кураши бўйича мураббийлар маҳоратини оширишга бағишланди. Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ҳамкорлигида, Халқаро Олимпия қўмитасининг Олимпия бирдамлиги махсус дастури асосида уюштирилаётган мазкур семинарга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 25 нафар мураббий таклиф этилган.

Семинарда халқаро эксперт, ФИЛА (Халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси) ҳакамлар комиссияси аъзоси Степан Казарян машғулотлар ўтказмоқда.

— Ўзбекистон полвонлар мамлакати, — дейди Степан Казарян. — Бу юртда фахрланса арзийдиган Олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионлари истаганча топилади. Чемпион тайёрлаш осон эмаслигини яхши биламиз. Мен мураббийларни ижодкорга ўхшатаман. Рассом мўйқалами, ёзувчи хаёлоти маҳсули билан улкан асарлар яратади. Мураббий ҳам машаққатли меҳнати эвазига Олимпиада ва жаҳон чемпионлари тайёрлайди. Бу унинг буюк асари бўлади. Агар чемпион тайёрлай олмаса ҳам ўз мамлакати учун жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлган инсонни етиштириб беради.

Назарий машғулотлар давомида спорт курашларининг тактикаси, иқтидорли полвонларни тарбиялашда мураббийнинг роли, «Пекин — 2008» Олимпиадасига миллий терма жамоани тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, семинар қатнашчилари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтаётган «Мустақиллик кубоги» анъанавий Олтин Гран при халқаро турнирида амалий машғулотларда қатнашадилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хотира

Бундан ўттиз йил муқаддам мен эндигина диссертация ёқлаб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олган кезларим эди. «Саодат» журналининг «Педагог маслаҳатлари» рукнида қатнашиб юрардим. Бир куни журналнинг бош муҳаррири Зулфия опа мендан мактаб, маориф ислоҳотлари ҳақида бош мақола ёзиб беришимни илтимос қилди. Ичимда айтар дардларим кўп эди. Астойдил ҳаракат қилиб мақолани қайта-қайта ёзиб, таҳририятга олиб бордим. Зулфия опа мақолани ўқиб чиқдилар. Юзларида мамнунлик аломатларини сезиб, сал ўзимга келдим. «Сизга раҳмат, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин экан-да», деган эътирофдан қувондим.

ЭЗГУЛИКДА КЕЧГАН УМР

Шундан кейин журнал билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланди. Кўп ўтмай, таҳрир ҳайъати аъзоси бўлдим. Ўша даврда журналнинг адади бир миллиондан ошиб кетгани бош муҳаррирнинг ҳар биримизнинг куч-ғайратимиз, билим-иқтидоримизни тўғри йўналтириб, рағбат бера олганида деб ўйлайман.

1975 йилда ёзувчи ва шоир Шуҳрат ака (Оллоҳ у кишини раҳмат қилсин!) менинг ҳаётим, фаолиятим ҳақида **«Ҳамма болаларни севган олима»** сарлавҳали очерк ёздилар. Сураткаш мени расмга туширди, Зулфия опа уни журнал муқовасида чоп этилишини лозим топиб, **Кумри Абдуллаева ўзбек «Алифбе» дарслигини яратган биринчи аёл!** — дебдилар. Зеро, у киши ижодкорга қанот бағишлашни билар эди.

Шоира ўта камтар, зукко инсон эди. Мулоҳаза билан сўзлаш, керакли мисолларни нуткда ишлатиш, инсон кўнглини кўтара билиш ва ёзувда ҳам мукаммалликка эътибор қилиш каби фазилатларига ҳаммамиз ҳавас қилардик.

Бир куни мен ўсиб улғайган Назарбек қишлоғидаги 1-мактабда опа билан учрашув бўлди. Учрашувда маҳалла аёллари ҳам қатнашди. У ҳамма билан худди опа-сингилдек кўришиб, бир аёл олдида тўхтаб деди:

— Синглим, мен сизни кўп кўрганман, яхши юрибсизми, бола-чақалар соғ-саломатми?

Ҳамма ҳайрон, бу аёл унчалик машҳур эмас, уй бекаси бўлса деб. Энди билсам, Зулфия опа инсондаги руҳиятни яхши билар экан. Аёлнинг одми кийими, олдида икки фарзанди турганлиги, руҳиятида бироз синиқиш борлигини пайқаб, илиқ муомала қилган экан.

Зеро, опа инсонпарвар, эътиборли аёл эди. Катта-кичик билан мулоқотда, албатта, кўнгил олишга ҳаракат қиларди. Тошкент вилояти Зангиота туман аҳолиси уни депутат қилиб сайлаганларида қишлоқ ҳаётининг аҳволи, фарзандлари узоқ масофадаги мактабларга қатнаши, болалар боғчалари кам эканлиги ҳақида ўз фикр-истакларини билдирдилар. Опа барини диққат билан ёзиб олдилар ва шу туман раҳбарлари билан гаплашиб, уларга аҳолининг талаб-истакларини билдирди. Натижада 3 та болалар боғчаси, 2 та ўрта мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Навбатдаги учрашув Ғазалкентда бўлиб ўтди. Биринчи қаторда ёш боласи билан ўтирган аёлни опа мажлисдан сўнг олдига чақириб, унга конвертдан 100 сўм чиқариб, бериб:

— Синглим, болаларга бирор нарса олиб беринг, — деди. Аёл бир зум ийманиб, олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай турди. Опа яна олинг дегандан сўнггина ҳадяни қабул қилди. У депутатлик учун ҳар ойда бериладиган пулларни ана шундай сарфларди.

Бундай ҳолатларни кўп кўрганман. Ҳар байрамда бизни совға-саломлар билан хурсанд қиларди. Биз унга фақатгина гул ҳадя қила олардик, холос. Бирор нарса харид қилиб совға қилсак ранжиб:

— Мен гулнигина оламан, шу гапларимни ёдда тутинглар, — дерди.

Опанинг яна бир хислати — эзилган кўнгилга малҳам бўлиб, тилаклар билдирарди. Зангиота тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Ферузахон бефарзанд эди. Оиласи нотинч эканлигини, турмуш ўртоғи ҳамма қатори ота бўлишни орзу қилаётганини йиғлаб, опадан тажрибали шифокор ҳузурига бориш учун ёрдам сўради. Опа ўша вақтда таниқли профессорга телефон қилди ва аёлга ёрдам беришини сўради. Вақти келиб, Ферузахон ўғилли бўлганида табриклаб келайлик, деб совға-салом олиб қишлоққа жўнади.

...Опа кўз ўнгимизда анча кексайиб бормоқда эди. Лекин ҳамиша одоб билан, ярашганини кийиб, сочларини тартибли турмаклаб, дадил юришга ҳаракат қиларди. Бир куни тоби қочиб, ишга келолмади. Шогирдлари Холида Аҳророва, Санъат Маҳмудова, Дилбар Саидова, Раҳима Шомансурова, Муҳтарама Улуғова, Қутлибека Раҳимбоева, Насима опа Юсупова ва яна бир неча аёллар ташвишланиб:

— Илоё, опажонимиз омон бўлсинлар-да, уларсиз бу хона бизга нурсиз кўриниб кетяпти, — деб барчамизга «она боши» бўлиб юришларини Оллоҳдан сўрадик. 80 ёшга яқинлашганларида ижодий фаоллиги кучайиб, умр манзиллари ҳақида «Хотирам синиқлари» деган туркум битди. Умрининг сўнгги йилларида Ҳамид ака ҳақида кўп гапирарди.

...Уч кун олдин негадир юрагим ғаш бўлиб, опани кўргани бордим. Ижодхоналарида ўтирган экан. Анча маҳал суҳбат қурдик. Уч кундан сўнг тонгда нохуш хабар келди. Югурдим. Мотам... Мен иккинчи марта онамдан ажрагандек бўзладим.

Зулфияхонимни дунё аҳли яхши танийди, алқайди. Ўзбек халқи хассос шоирани абадул-абад фахр-ифтихор деб билади.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори, профессор.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Маҳсулот сертификатланган

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган

Қўшма корхона UZBEKPRODUCTION

ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ

Марказий Осиёдаги энг йирик пластмасса бочкалари ишлаб чиқарувчи.

Қуйидагиларни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган:
*Озиқ-овқат маҳсулотлари: (сут, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт),
*Агрессив моддалар: (кислоталар, ишқорлар, бўёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.

Европа стандартлари. Ҳажми 10, 60, 155, 200, 220 литр, тор ва кенг бўғинли.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси,12. Тел./факс: (99871) 152-56-01, 152-74-14.
Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru, office@uzbp.uz

Ойнинг энг яхши мақоласи

*Аньанага биноан, **февраль** ойи якунига кўра, **Минҳожиддин МИРЗОнинг** «Кўнгил баёни» рукнида чоп этилган*

«ҚАНДАЙ ҚИЛСАК ЭҲСОНЛАРИМИЗ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ?»

мақоласи «Халқ сўзи» газетаси таҳририятининг эсдалик совғаси билан тақдирланади. Муаллифимизни бу муваффақият билан табриклаймиз, ижодий ишларида янги зафарлар тилаймиз.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

GULXAN

- Табиатга мехрингни бер, болажон. Муҳаррир Ашурали Жўраев кичкинтойларга нима демоқчи?
- Алишер Навоий Носир рангез исмли бир безорини қандай қилиб ўз тарбиясига олган? Улуғ шоирнинг яқин дўсти мавлоно Соҳиб Доро ҳикоятларида шу ҳақда баён қилинган.
- "Майда тош тўшалган жой"га борганмисиз? Шарқ мамлакатлари шаҳарларидаги марказий майдон шундай аталган экан. Журнал сизни улардан бири — кўҳна Регистон мажмуасига таклиф қилади.
- Мирзо Бобурнинг фидойиси.
- Бир бор экан... Ҳабиб Раҳмат сахийлик ҳақида.
- "Ишти" ўйинини унутиб қўймадингизми? Уни яна бир бор эсингизга соламиз.
- Абдулла Қаҳҳорнинг кўп варақли дафтари.
- Мен Сафиндан зўр бўламан. Шерободлик Равил Муҳаммедов жаҳон теннис юлдузи Марат Сафинга ҳавас қилади. Лекин ёш йигит ўз йўли, ўз услубини топишга интилмоқда.

Шу ва бошқа мавзулар ҳақида муфассал танишмоқчи бўлсангиз, "Гулхан" журналининг 2-сонини ўқинг.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!

RUBEZH ADI International

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

НАДЁЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ

Охранно-пожарная контрольная панель управления (Пр-ва России) - 8-40 зон : от 108 000 сум

Датчики дымовые оптико-электронные (Пр-ва России): от 10 000 сум

Товар сертифицирован

ЕВРОПЕЙСКОЕ КАЧЕСТВО - ПРОВЕРЕННОЕ ВРЕМЕНЕМ
по цене от 11 000 сум за датчик Is215 и 150 000 сум за панель SYS2316

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz, vinlad@vinlad.uz
Web-site:www.vinlad.uz

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Почта маркаларини тўпловчи ишқибозлар ва филателистлар диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлигининг 15 йиллиги муносабати билан

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси байроғи ва БМТ эмблемаси тасвирлари туширилган «Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлганлигига 15 йил» номли почта маркаси ва шу билан бирга почта махсус сўндириш хотира тамғаси ишлаб чиқарилди.

Ушбу почта маркасининг тақдимоти ва почта махсус сўндириш хотира тамғаси билан маркаларни махсус ҳисобдан чиқариш тадбири 2007 йил 2 март куни соат 12.00 да «Тошкент почтамти» биносида (Шаҳрисабз кўчаси, 7-уй) ўтказилади.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"

Маҳсулот сертификатланган

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси И. Р. Иргашевга падари бузруквори
Раим ота ИРГАШЕВнинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги жамоаси Саноатнинг базавий тармоқлари ва ёқилғи-энергетика мажмуи молияси бошқармаси бошлиғи ўринбосари — бўлим бошлиғи Н.С.Зоитовга онаси
Вазифа ЗОИТОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси академиянинг проректори Фатхулла Иргашевга отаси
РАИМ ҳожи отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Навоий вилоят телерадиокомпанияси директори вазифасини бажарувчи Ғулом Султоновга қизи
МАФТУНАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Issiqlikmontaj» МЧЖ жамоаси Қўқон таъмирлаш қурилиш бошқармаси бошлиғи Обиджон Убайдуллаевга онаси
МУБОРАКХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.50 23456